

Саудия Арабистони сентябрь охиридан туристик визалар беради



10:30 / 04.09.2019 1216

Саудия Арабистони 27 сентябрдан хорижликларга туристик визалар беришни бошламоқчи. Бу ҳақда Al Arabiya телеканали маълумотига таяниб, kup.uz манбаси хабар беради. Сайёҳлар визани Саудия Арабистонига келгач олишлари ёки электрон шаклни олдинроқ тўлғазиб қўйишлари мумкин.

Таъкидланишича, визалар 51 та давлат фуқароларига 90 кун муддатга берилади. Унинг қиймати 118 долларни ташкил қилади. Бу суммага мажбурий тиббий суғурта ҳам киради. Саудия Арабистони расмийлари визаларни онлайн тартибда расмийлаштириш бир неча дақиқагина вақт олиши ва хорижликларга виза олиш учун элчихонага бошқа муурожаат қилишлари талаб этилмаслигига ваъда берилди.

Ҳозирда подшоҳлик ҳукумати туристик соҳани ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Мутахассисларнинг фикрича, сайёҳлик тармоғи иқтисодиётни жадаллаштиришга ва энергия захиралари экспортдан камроқ тобе бўлишга туртки беради. Саудия Арабистони 2030 йилгача йилига 30 млн киши келишига интилмоқда. Ҳозирда бу рақам 16 млн кишини ташкил қилади, лекин улар орасида сайёҳлар йўқ. Бироқ Саудия

Арабистони яқин орада туризмдан ҳар йили 47 млрд доллар олишни кўзламоқда.

Islom.uz портали таҳририяти